



Мармари силлиқлаш, унга ишлов бериш сирларига Асад Сулаймонов кўздан бўён қизиқар эди. Совет Армияси сафига хизмат қилар қайтган, «Тошкент» мармар ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди. Еш ишчи шу кунларда ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

БУНЁДКОР № 4(16)

Муҳим вазифа

Тошкент чинакамга меъморлар шахри. Унинг қайси бир жасми ёки қавр-талида бўлмаган ўзига хос, оригинал уйлар, маъмурий бинолар эътиборингизни тортади. Қўлга гул қурувчиларнинг ишдан бениқсон мамну бўласиз. Қўрқам шахримизнинг бугунги қамоли дилингизни курафшон этади. Кейинги вақтда бу соҳадаги ишларни янада авж олдиришга эътибор қўйиб кетди. Капитал маблаглар самарадорлигини ошириш, ҳўжалик механизмининг такомиллашти-

риш қурувчилар олдида турган энг асосий вазифаларнинг бирига айланиб бораётган. Бу кўзга ишларда 11-«Висотстрой» трести бунёдкорлари айланиш фаоллик кўрсатишляпти. Бу ҳақда трестнинг 17-қурилиш бошқармасига қарашли комплекс бригадаси бошлиғи, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Аъламонов Узоқов қўйидагиларни гапириб берди:

— Ҳақиқатан ҳам кейинги вақтларда капитал қурилишнинг ривожлантиришга талаб орта бораётган. Ҳар бир қурилиш ташкилотига бу соҳадаги ишларни пухта ва омиқкорлик билан олиб боришга эътибор қўйиш зарур. Бу бежиз эмас, албатта. Ишонч меҳнати билан улуғ бўлганда, биз бинокорлар доимо бардо этган кўркам уйларимиз, ўзига хос биноларимиз билан қадрлимиз. Бошқачасига айтганда, биз бажарган ишлар келгуси авлодларга қолдиган энг муҳим меросдай гап. Шунинг уйлар эканман, бинокорлик касбининг ўзига хос зақи, шавқини қалбдан ҳис этаман. Бу эса яхши ишлашга, бутун вужудим билан эл-юрт олдидаги буримни пухта ўташга ундайди.

Ҳали-ҳали ёлдамда. Тошкентга келган кезларим эди. Ишламоқчи бўлиб, трестга келдим. Кадрлар бўлимига хизматдалик чоғида ҳам шу ишлар билан банд бўлганлигимни айтдим. Мен бахонидил ишга қабул қилишди. Ўша вақтларда қурувчиларга талаб катта, аммо ишлар қўлами у қадар кенг эмас эди.

Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша қувончу ташвишлари бўлади. Бундан бригадамиз қурувчилари ҳам мустасно эмасди. Оригинал, замонавий объектларни тиклашга ихтисослашган. Аввалига қийин бўлди. Тошпириқларни бажаришда қийналдим. Аммо ўшандагиги давларда бригадирларимиз Зокир Неъматжоновнинг ўзи менга ёрдам қилиш чўди. Қўнт билан яхши ишлаш сирларини, йўл-йўриқларни ўргатди. Ўшандан буён орадан 33 йилдан зиёд вақт ўтди. Бу даврда ўнлаб муҳташам объектларни ишга туширдим. Улар шахримиз ҳуснига алоҳида фазл бағишлаб турибди. Яхши ишлаганим ва тошпириқларни пухта бажарганим учун Ватанимизнинг бир қатор орден ва медаллари билан тақдирландим.

Ҳозир ўзим бригадирман. Кўп йиллик иш тажрибаларимни коллективимиз бунёдкорлари билан баҳам қўриб келяпман. Коллективимизда айниқса, ёш кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Биринчидан, ҳар бир коллективда кадрлар ҳал қилувчи асосий куч ҳисобланади. Иккинчидан, кадрларнинг

Янги массив жамоли

Смена туғди. Қурувчилар меҳнатдан сўнг эртанги кун режаларини белгилашга йиғилдилар. Олдин бажарилган ишлар таҳлил этиб чиқилди. Ким, қандай натижага эришганини таъкидланди. Сўнг янги вазифалар ҳақидаги суҳбат қизиди. Ҳар гал шундай. Йирик панелли 1-ўйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг Сергей Рохман бошчилик қилаётган комплекс бригада бунёдкорлари ишчи ташкил этилишини шу хилдаги самарали омиқликдан умил фойдаланиб боришди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, қурувчилик заргарга хос иш. У ҳар бир бинокордан пухта ишлашни, мавжуд нарсаларга эътиборли бўлишни таъқозо этади. Айниқса, янги шарафда ишлашда омиқкорлик билан ҳаракат қилишнинг аҳамияти катта. Комплекс бригада қурувчилари айна пайтда масаланинг ана шу томонига жиддий эътибор қўришляпти. Бор куч ва имкониятларини фойдаланишга тошпириқларнинг объектида қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришга сафарбар этишляпти.

Бунинг эвазига «Жанубий Луначарский шоссе» массиви оё сайин чирой очмоқда. Янги объектлар эса массив чиройинга чирой қўшиб турибди. Ҳозиргача бу ерда комбинат ўйсозлари томонидан 20 га яқин янги уйлар ишга туширилди. Унга юзлаб омиқлар кўчб ўтидилар. Бу ишларнинг барчасида пешқадам бригада бинокорларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Айни кунларда улар янги уй қурилишини уюшқоқлик билан олиб боришляпти.

С. МАМАЖОНОВ.

СУРАТДА: моҳир қурувчилар Марс Газиев, Ортиқали Усмонов ва Рамс Зарипов ўзаро суҳбатлашмоқда.

Т. Каримов фотоси.



Суҳбатин Р. АҲМАДАЛИЕВ ёзиб олди.

Чилонзор табассуми

Чилонзорда қурилган ҳар бир бинонинг дўстлиги иморати деса бўлади. Районнинг бир қисмининг барпо этган москвалик бинокорларнинг ўз юртиларига жўнаб кетишганига айна бўлди, аммо уларнинг қўлидан яхшиликлар, берган маддадлар асло ёлдан қўтарилмайдилар. Чилонзорда янгидан янги архитектура комплекслари ва ансамбллари қад кўтармоқда.

Чилонзор районининг марказида бунёд этилган комплексга 37 гектар майдон ажратилган. 2 минг ўринли кино-концерт зали, 8000 ўринли клуб, 2 минг ўринли кинотеатр, 400 ўринли театр студияси, 1000 ўринли меҳмонхона, 1 миллион жидд китоб фондига эга бўлган кутубхона, 7-8 минг ходим ишлайдиган лойиҳа институти комплекси ва бошқа иншоотлар қад кўтарди.

«Ташхирогор» мутахассислари Чилонзор районининг маркази лойиҳаларини устида астойдил изланиш олиб боришди. Бинолар — шаҳарнинг табассумидир. Ҳар бир иморат, ҳар бир бино асрлар мобайнида жиймайиб, шаҳар ҳуснини кўз-кўз қилиб туради. Шу босидан ҳам лойиҳачилар замонавий комплекслар барпо этиш соҳасида жиддий иш олиб боришляпти.

Кези келганда шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Тошкент СССР ҳалқлари буюк дўстлигининг ёрқин тисмолли бўлиб қолди. Дўстлик, қардошлик ва тинчлик шахри айланди. Шаҳар бағрида совет ҳалқларининг бузилимас, ленинча дўстлигининг рамзи — улуғвор бадий меъморчилик комплекси яратилди. Меъморчилик ҳажмининг панжаравий тузилишидага ажойиб уйғунлиги қўшимча бинолар ансамблини бойнатади, уй содлик миқёси ва характерини белгилайди, ахлит ҳолда эсда қолдиган янги образ яратди. Майдоннинг маркази — улуғвор «Халқлар дўстлиги» монументи бўлади.

Ўзбекистон ва Халқлар дўстлиги қўчаларида қурилган биноларда бир неча бинолар корпусини бириктириб туривчи янги бинолардан кенг фойдаланилган. Булар, масалан, 2, 3, 4, 6, 7, 8-уйларда турли композициялар ҳосил этадиган усулда фойдаланилиб, мазкур биноларга қарашли ерларнинг бир-бирига ўхшамайдиган чиройини яратибди эришилган. Улар майдонининг умумий композициясига кўрқ бериб турш вазифасини ҳам бажаради.

Д. ОБЛАЕВ.

Луқма

АВТОМАТ ТЕЛЕФОНЛАР АРЗИ

— Ҳамшаҳарларимизнинг оғирини енгиллаштириш учун кишини-ёзини ҳолис хизматда-миз, — деб сўз бошлади Луқма Оқтепаси бекатдаги автомат-телефон. — Лекин халқимизга қилаётган хизматимиздан қўнғимиз тўлмаяпти. Сабоби қўлоқ, ичкаларимиз сўғуриб олинганлиги. Айниқса, ўспирин болалар бизни азоблагани-азоблаган. Йил давомида 4 марта қўлоқ-

ларимни алмаштириб, янгилаб кетишди. Аммо орадан беш-олти кун ўтгач, яна ўз ҳоли-мизга қайтамиз. Мана шундай қўлоқсиз дўстарим кундан-кун кўпаяиб, ишдан чиқаяпти. Беш-

қайроғоч массивининг Штаб бекатига ошналариимиздан олтига ўрнатилган. Ҳеч қачна вақт ўтмай шулардан бештаининг қуруқ савлати-гина қолди, холос. Метронинг Чилонзор бекатдаги 3 та

оғайнимиз ҳам қўлоқлари чўзилма-чўзила «гаранг» бўлиб қолди. Гапирса гап кўп. Қай бири-ни ҳам айтмайлик. Бизга ўхшаган биринчи, иккинчи, учинчи-«инавали»ларни

шаҳримизда озмунча дейсиз-ми! Шаҳар телефон тармоқлари бошқармасининг ходимлари бир неча бор телефон ўрнатиб, сошлаб тузатиб кетиш-

ди. Бироқ юқорда айтганимдек... Хурматли ҳамшаҳарлар! Сизлардан илтимос. Болаларимизга қайта-қайта ўқиди-сангиз. Давлат мулкини кўз қорачиқдек асраб-авайлаш-син. Ахир биз сизларнинг оғирининг енгиллаштириш мақсадига ўрнатилганимиз-ку! Телефон-автоматлар арзини ёзиб олунчи: О. САЙДАМИНОВ, ўқитувчи.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ЯЛПИ ХАВФ-ХАТАРСИЗ КЕЛАЖАК УЧУН АНЖУМАНИ ОЧИЛДИ

ЖЕНЕВА. Женевадаги Миллатлар Саройида қуросиланиш масалалари бўйича ноҳукумат ташкилотларнинг махсус комитети уюштирган «Ялпи хавф-хатарсиз келажак учун» халқаро анжумани очилди. БМТ Бош Ассамблеясининг қуросиланишга оид III махсус сессияси арафасида ўтатиётган халқаро жамоатчилигининг бу

жуда катта тадбирида ер юзидан беш қитъанинг мил-ли ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари, тинчлик та-рафдорлари ҳаракатларининг намоёндалари ва атроф му-ҳитни ҳимоя этувчилардан иборат 300 дан кўпроқ ва-кил қатнашмоқда. Улар ора-сида совет жамоатчилиги-нинг нуфузли делегацияси ҳам бор.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АФИНА. Греция бош ми-нистри Андреас Панагидеу бу ерда АҚШ конгресси ва-киллар палатаси ташқи иш-лар комитетининг аъзоси В. Оуэнсин (Юта штатидан, де-мократ) қабул қилди. Исро-илга бора туриб, Греция пой-тахтига тушган Америка конгрессининг аъзоси Гре-ция ташқи ишлар министри-нинг ўринбосари Я. Капис билан ҳам учрашди. Ўзлон қилинган хабарга қараганда, хусусан, Американинг Гре-циядаги бўлажак ҳарбий ба-залари бўлишида Греция би-лан АҚШ ўртасидаги музо-караларнинг бориши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган. Маълумки, Америк-а ҳарбий объектларининг Грецияда бўлиши тўғрисида-даги шартнома муддатни шу йилнинг охирида тугайди, бироқ Вашингтон Америка базалари Грецияда сақлаб қолинишига зўр бериб ҳа-ракат қилмоқда.

ҚОҲИРА. Сионистларнинг босиб олинган араб терри-торияларидаги қонли ёвуз-чиликлар бир кўн ҳам тўхта-маётган. Миср пойтахтига ке-лаётган хабарларга қараган-да, кеча 16 ёшли фалястин-лик ўспирин Исроил босқин-чиларининг ўзи қурбони бўлган. У Газа секторидagi Ханонис яқинида жойлаш-ган Саил қишлоғида бўлиб ўтган оммавий намоийшини тарқатиш вақтида оғир яра-ланган. Ана шу чиқишлар-

нинг яна бир неча қатнашчи-си кўздан ёш оқизувчи газ билан оғир зарарланган ҳол-да госпиталга келтирилган. Тел-Авив маъмурилари ара-бларнинг авж олиб бораётган қишларини тўхтатиш учун те-ррор ва репрессия усулини қўлдан қўйишга қарар қил-ган. Исроиллик солдат-лар намоийшларда қатнаш-ганлиги учун ўндан ортиқ ки-шини қамоққа олганлар, уларнинг уйларини бўлдо-зорлар билан бузиб ташла-ганлар. Шамир ҳўкумати оммавий чиқишларнинг бар-ча ташкилотчиларини ана шундай жазага дучор қил-моқда.

МАДРИД. Куннинг иккин-чи ярмида электр тармоғида рўй берган авария Аско шаҳ-ридаги (Таррагон вилояти) Испания олам электростан-цияси ишини икки соатга тўхтатиб қўйган. Бош транс-форматор тармоғида қисқа туташув рўй бериши нати-жасида ўзгарувчан ток гене-ратори, трубинолар ва ра-диореактори ўз-ўзидан тўх-таб қолган. Таррагон вилоя-ти граждани губернаторининг ахборотида ана шундай, деб хабар қилинади. Ахборотда таъкидлаб ўтилишича, яқин атрофдаги зонада яшовчи аҳоли учун бу авария ҳеч қандай хавф туғдирмаган.

Объективда—ЖАР



Кейптаун яқинидаги Кей-Ти-Си посёлкасида қора тан-лилар йововчи 500 дан зиёд қулба айрон қилинди. Ир-чиқлар охраникис қарамоғидаги безорилар тўдаси афри-каликларнинг хонадонларини ёқиб, ўзларини отишди, уйларидан судраб чиқиб қалтаклашди. Натижада ками-да беш киши ўлган, ўнлаб кишилар ярадор бўлган. СУРАТДА: ирчиқлар ҳўжум қилган посёлкада. АП — ТАСС фотоси.

ВАШИНГТОН. 9 яшар америкалик Тони Эльсези-на бир моторли самолётда АҚШ орқали учиб ўтишни тўхтатишга мажбур бўлди.

ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, ёш учувчи қи-йин метеорологнинг шаронти-да учиб чоғида шамоллаб қолди ва сўнгги кўнган жо-йида — Тенниси штатидаги Мемфис шаҳрига қайтишга аҳд қилди. Тони шимол-ли Америка қитъасини шар-дан шарбга ва аксинча Фар-дан шарбга ўш кун ичида учиб ўтиб, бу билан 11 ёшда қитъани у томонидан бу то-монига кесиб ўтган учувчи Крестовер Маршал рекор-дидан ўзиб кетишни ўз ол-дига мақсад қилиб қўйди. Тонига ҳамроҳлик қилаёт-ган тажрибали инструктор ва ҳавода учиб янлий уюшмасининг вакили жур-налистларга ёш учувчи са-моётин яхши бошқариёт-ганлигини, лекин даволати-ни зарурлигини айтди. Яқин кунларда учиб давом эти-ти, янлий қўтлмоқда. Лекин қўлдан бўй берилган вақт ўринни қоплаш учун энди Тони ҳар кун етти-саккиз соат учинишга тўғри келади. Ёш учувчи кўзда тутилма-ган қийинчиликларга дуч келгандагина инструктор са-моётин бошқаришни ўз зиямисига олади. Бундай қилинганда рекард ҳисобга олинмайди.

КАПЕИД СКОП

НЬЮ-ЙОРК. Индиана штатидаги Лайфайетт шаҳри-да галати конференция бў-либ ўтди. Конференция қатнашчилари — катта ста-гага эга бўлган олимлар илмий мўамаларини муҳо-кама қилиш учун эмас, бал-ки аскиябозлиқни машқ қи-лиш учун Пердью универ-ситетига тўлдилар.

Ҳазил, ҳар хил қизик воқеалар, Латифалар ва ўйинлар еттинчи марта ўт-казилган ана шу анжум-андаги мунозараларнинг асосий мавзуси бўлди. «Юмор — жуда муҳим иш, — деди конференциянинг раиси, тилшунос олим Вик-тор Раскин. — Биз ҳар бир шахсининг юморига қандай муносабатда бўлишни ва нисоний тўғуларини, одам-ларнинг сизат-самолатли-ни ва юриш-турушига юмор-нинг таъсирини ўрганамиз. Студентлар билан иш олиб бориш чоғида биз кўпроқ ҳазил қилишга ва шу тари-қа шоғирдларимизнинг ҳур-мати ва муҳаббатини қоз-нишга ҳаракат қиламиз». Юмор умрини узайтиради ва одамларнинг ўзаро муноса-батларини яхшилайди. «Кулги кофферация» қатнашчилари ана шундай яқдил фикрга келдилар.

Йўлкалар қачон озода бўлади

Йўлкалар ўз вақтида тозаланмайди. Қачонгача бундай ҳаёт давом этади!

И. МАШИНСКАЯ.

Х. ОХУНЖОНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

— Ҳақиқатан ҳам шундай муаммо мавжуд. Айниқса, киш пайтида йўлкаларни тозалаш ишлари охиригача ҳал этилмади. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Бутун шаҳримиз йўлкаларини ўз вақтида супириб-сидириш учун 5000 фаррош талаб этилади. Ҳолбуки, ҳозир 2000 га яқин фаррош ишлаб турибди. Шунинг ҳисобига олиб, биз киш мавсумида асосан энг гавжум йўлкаларнинггина тозалай олдик.

Шунинг ҳам айтиб ўтмоқчимизки, корхона ва ташкилотлар ҳам ўзларининг йўлкаларини тозалашга етарлича эътибор бермади. Бу ҳам аҳолида эътироз туғилишига сабаб бўлди.

РЕДАКЦИЯДАН: Тошкентни намунали шаҳарга айлантириш ҳаммамизнинг эзгу бурчимиз. Шундай экан, бу борадаги ишларда кескин бурилиш ясаб, кўча, майдон ва йўлкаларнинг ҳаммиса озода бўлиши учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимга ўхшайди. Негаки, юқоридаги мазмунда редакцияга келган хат-хабарлар анчагина.

Янги уйнинг ташвишлари

Сергели район Совети ижроия комитети томонидан менга квартира беришди. Жуда севишдим. Аммо унга ўз вақтида кўчиб киришнинг имкони йўқ. Нега дейсизки! Ававал 72-ЖЭКа квартира қалибини олиш учун бормди. Қалин йўқ, дейишди. Қандайдир идора-нинг номини айтишди. Иккинчи кунгача топпомай, сарсон бўлдим. Яна ЖЭКа келдим. «Қалин йўқ, эшикни бузиб, янги кўлф қўйиб керак» дейишди. Эшикни бузиб, ич-карига кирдим. Не кўз билан кўрайми, ошхонада газ плитасидан ном-нишон йўқ эди. Бошқа хоналарда ҳам бир қатор нуқсонлар бор эди. Айтингчи, сўясиз-газсиз уйга қандай қилиб кўчиб кираман!

К. БОБОТОВ,
II группа инвалиди.

А. ЮШИНА,
Сергели район Совети ижроия комитети раис вазифасини бажарувчи.

— Ижроия комитет К. Боботов шикоятини кўриб қикди. Янги уйнинг нуқсонлари бартараф этилди.

Ҳозир унинг квартираси санитария-техника жиҳатлари билан тўла комплексланган. Ошхонага газ плитаси ўрнатиб берилди. Баъзи чала қурилишларга ҳам барҳам берилди.

Аҳолига ёрдам

Ҳурматли редакция! Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳақида материаллар бериб борилаётгани яхши. Айтингчи, уй-жой учун санитария-техника жиҳозларини таъминлаштириш, айниса сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга ёрдам берадиган мосламалар ишлаб чиқаришга қандай эътибор бериляпти!

А. АЛЕКСЕЕВ.

Т. МАҲКАМОВ,
«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори.

— «Время» телевизион программаси кўрсатувларидан бир-рида санитария-техника жиҳозларини таъминлаштириш ҳақида гап борган эди. Бирлашмамиз инженер-техник ходимлари ана шу асосда сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга ёрдам берадиган резина ва бошқа ускуналарни ишлаб чиқардилар. Ҳозирги пайтда санитария-техника жиҳозларининг учта турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар «ШБТМ-40» маркали иссиқчи чидамли, аҳоли сифатли резиналардан тайёрланапти. Улар шу ой охиригача савдо тармоқларига чиқарилади.

Совуққонлиги учун

Бизнинг Медиклар шаҳарчасида битта сабзавот дўкони бор. Аммо бу ердан тузукроқ олма сотиб олишни имкони йўқ. Мана, неча йиллардан бери шу ерда истикомат қилаётган, аммо биронта ўзгаришни сезмадим. Шундай олмаларни сотишадиким, уни оғизга ҳам олиб бўлмайди. Қачон мағазинга сон киради!

У. АҲМАДИЕВА.

Р. СОДИҚОВ,
«Ташполдоговошчпро» бирлашмасининг Собир Раҳимов район улгўриги-чакана савдо идораси директори.

— У. Аҳмадиеванинг шикояти Собир Раҳимов район улгўриги-чакана савдо идораси советида кўриб чиқилди. Унда барча савдо корхоналарининг раҳбарлари иштирок этидилар. Мағазин мудирига қишлоқ хўжалиги молларини сотишдан олдин уларни тегишли навлари бўйича қатъий саралаш ўтказиш топширилди. Айини сабзавотларни эса яроқсизга чиқариш зарурлиги қайд этилди.

Олма масаласига келганимизда, таъминотчиликнинг ўтган йилги ёмон об-ҳаво шароитларида бизга келгангача миқдорда ва сифати аҳоли бўлаган олмалар юборишган эди. 20-мағазин сотувчиси Ш. Хўжаева сараланган олмалар сотганини учун ҳайфсан берилди. Мағазин мудири Т. Шоса-лямова эса сотувчилар иши устидан бўш назорат олиб борганлиги қайд этилди.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Раҳм-шафқат хизмати КОМСОМОЛ ШТАБИ

Туркманистон пойтахти кўчаларида билаларига кўк боғларни қўлга олган йигит ва кўчаларни бўғлаб учратиш мумкин. Уларни кўрган кишилар бу болалар кимларгадир — уруш ва меҳнат ветеранларига, инвалидларга, Афғонистондан қайтиб келган запасдаги жангчиларга ёрдамга шошилаётганликларини дарҳол фаҳм-лаб оладилар.

Ашхобод шаҳар комсомол комитети ҳузурида ана шундай раҳм-шафқат хизмати штеби тузилди. Унинг адреси ҳаммага маълум, телефони эса кўпгина муҳтож кишилар учун аниқ ва тезкор ёрдамчи бўлишига айланиб қолди.

Биз ватанпарварлик тарбияси ҳақида кўпгина расми-ятчилликдан нарига ўтмаймиз, яъни қаҳрамонлар ҳақида тантанали тадбирларда баландпарвоз сўзлар айтмаймиз, лекин кўшин уйда фронтдан

қайтиб келган жангчи учун дорихонадан бирор дори келтириб бериш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди, дейди Ашхобод шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари Зубик ТАСС мухбирига.

Бизнинг штабимиз энг аввало конкрет ишларни ташкил қилишни ўйлайди. Штабдаги комсомоллар хил-ма-хил ёрдамга тайёрдилар — маҳсулот харид қилиб келадилар, овқат қилиб берадилар, коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаб келадилар, квартираларни сулуриб-сидирадилар. Иккинчи сменда техникумлар ва хуна-р-техника билым ўқувчиларининг талабалари, студентлар ва юқори синф ўқувчиларидан иборат 20 киши навбатчилик қилади. Штабнинг ўз устави ҳам бўлиб, унда ишмизнинг ахлоқий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган.



«Ташэлектробитприбор» заводининг пеш-қадам слесарларидан бири Мухаммаджон Муллажонов «Ўз касбининг устаси» конкурсига корхона бўйича биринчи ўринни эгаллади. Шу кунларда у ўз зиммасидаги топшириқларни муваффақиятли адо этипти.

Т. Каримов фотоси.

Энди яхши ишлайди

«Чоштепа» кўчасида истикомат қиламиз. Утган йилнинг ноябрь ойидан бундан телефонимиз яхши ишламапти. Бир-икки марта АТС раҳбарларига мурожаат этдик. Аммо натижаси сезилмади.

М. МАДРАХИМОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

В. РОТОВ,
Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бош инженери.

— Чилонзор район теле-надонингиздаги 530789 н-фон алоқаси узелининг ка-мерли телефон ҳақиқатан бели капитал ремонт қилин-ҳам ишламаган. Ремонтнинг ганлиги туфайли сизнинг хо-бориши ҳақида олдинроқ шу

Ундириб олинди

Дугонамнинг туғилган куни муносабати билан унга табрик телеграммаси йўллаган эдим. Бироқ, кейинчалик билсам, телеграммани олмабди. Пулни кетгани май-лику, аммо 30 йиллик қадрдонлигимизга шу туфайли совуқлик тушганидан қаттиқ ранжимди. Айбдорга чора кўрилиб, телеграмма учун тўлаган пулнимин қайтариб беришларини сўрайман.

А. ПАНЬЕВА.

У. ИСМОИЛОВ,
Тошкент «Главпочтамт»и бошлиғи.

— Текшириш жараёнида шикоят хатингиз ўрилди.

Мукофот бериладими?

Мен кўп йиллардан бери комбинатда ишлаб, энди бошқа иш жойига ўтиш ниятдаман. Айтингчи, кўп йил ишлаганим учун бирор қўшимча ҳақ тўланадими?

А. ҚОСИМОВ.

А. ҲАСАНОВ,
юрис.

— Бундай устамалар ходимларни рағбатлантириш учун, муайян ишлаб чиқариш соҳасида узоқ йиллик да-вомида меҳнат қилиб келганлиги учун берилади. Бундай ҳуқуққа ер ости ишлари билан мунтазам банд, кўмир ва селанг саноати ходимлари, ўрмон саноатига тегишли корхоналар ходимлари эгадир.

Шунингдек, ташкилотларнинг баъзи категориялари-га тегишли мутахассис ходимларга ҳам иш стажига узоқ йиллик берилади. Буларга совхозларнинг трактор машинистлари, ўрмон саноати трактор машинистлари, кўрпик йилловлардан фойдаланадиган совхозларнинг чўпонлари кирди.

Қўшимча ҳақ тўлашнинг миқдори ҳар хил. Масалан, ўрмон саноати ташкилотлари тракторчи машинистлари учун ҳақ, улар ўш йилдан беш йилгача иш стажига эга бўлсалар, олти процент, беш йилгача — ўш процент, ўш беш йилдан олти процент, ўш беш йилдан олти процент, ўш беш процент мукофот пули йиллик даромад ҳисобида тўланади. Қўшимча ҳақ йилда бир мартаба, келаси йилнинг бо-шида берилади.

Баъзи категориялардаги ходимларга узоқ йил ишлаганлиги учун мукофот хизматлари туфайли тўланган ҳақ юзасидан тўланади. Оғир саноатнинг муҳим тар-моқлари ходимларига, яъни химия, металлургия, нефть ва бошқа (уларнинг рўйхати СССР меҳнат ва социял масалалар Давлат комитети 1977 йил 5 ноябрь 366-сонли қарори билан тасдиқланган) саноат ходимларига берилади. Мукофот фанат шу имтиёзнинг берувчи ташки-лотда ишлаган вабт мобайнидагина берилади. Ходим бошқа ишга ўнбт ташкилотда ёки бошқа ташкилотга ўтган тақдирда ва бу ташкилот ходимлари ҳам мукофот олувчилар рўйхатига киритилган бўлсаларгина кўрсатил-ган имтиёздан фойдаланишни давом эттиради. Бошқа ҳар қандай ўзга ишга ўтиб ишлаш ҳолларида узоқ йил ишла-ганлиги учун мукофот тўланмайди.

йўналишдаги абонентларга билидирилган эди. Унинг ўт-казилиш мuddати ҳақидаги эълон уйларга, кўчаларга кў-йилганди. Сиз бундан беҳа-бар қолган бўлишингиз мум-кин. Шикоятингиз текширил-ганда телефонизнинг норм-мал ишлаш бошлаганилиги аниқланди.

Узел маъмурияти сиздан телефонизнинг вақтинчалик ишламаганилиги учун ке-чир-иш сўрайди. Қолаверса, ана шу мuddат учун тўланадиган ҳақ қайтариб берилади.

Шифобахш ўсимликларнинг ерости аъзолари (илдиз, илдиз пояси, пиези, туған-й) ўсимлик уйида бўлган пайтда — эрта баҳорда ёки кеч кузда қазиб олинади, бунда 25—30 процент ўсимликлар ва ёш ўсимликлар қолдирилади. Ер устки қис-млари ўсимлик гуллаган даврда фақат бар-сақланган паялари (ёғочланган қисмига) ўриб олинади. Ўсимликнинг илдизи билан сугурини қатъийан маи қилинади. Ўсимлик-ларнинг энг камиди 25 процент миқдори кўпайиш учун қолдирилади. Бир майдон-нинг ўзиди икки ўш йилда фақат бир мар-таба йилгич ўтказиш мумкин.

Барглр ўсимлик гуллаши олдинда йил-ги олинади. Бунда уларнинг бир қисми қолдирилади, ёш, кичик ўлчамли барглр узилибди. Куртақлар эрта баҳорда (ёзил-масдан илгари) йилгич олинади. Гуллар ўсимлик гуллаш бошланганда, улардан бири-қул тўртдан бир қисми уруғ ҳоли қилиш учун қолдирилиб терилди. Мевавлр эса илгирини масъуми бошланганда териб оли-нади. Куртақ ва ёш-тоқларни кесилган да-рахтлар ёки буталанган шохлардан тўплаш мақсади мувофиқдир.

Йилгилан маҳсулот тозаланади ва дарҳол қуритилади. Агар маҳсулот уч-тўрт соат-дан олти кунгача ёки тўлланган ҳолда қо-либ кетса қизийди, қорайди ва ишлатишга яроқсиз бўлиб қолади.

Эҳтиёжимизни қондирмаяпти

Метронинг «Чкалов» стан-циясидан Авиасозлар ша-ҳарчасига қатновчи 72-э, 48, 161, 80, 6-маршрутларидаги автобусларнинг хизматидан қониқмаймиз.

А. АҲМЕДОВ.

К. СИДДИҚНАЗАРОВ,
«Главлташпассавтотранс» бошқармаси бошлиғи.

— Мазкур хатда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун автобус паркларининг раҳбарлари билан кенгаш ўт-казилди. Шу йилнинг апрель ойида пассажирлар оқимини ўрганиш юзасидан текшириш олиб борилади.

Ҳозирги вақтда авиасозлар шаҳарчасига қатновчи барча автобусларнинг ишмини яхши-лаш чоралари кўрилмақда. Барча ҳаракат графиклари қай-тадан кўриб чиқилляпти. Ке-ч-иш пайтдаги ва туғли марш-рутлардаги қатновчи автобус-лар қўйилтирилади ва мунта-замлиги таъминланади.

Ҳайдовчиларнинг иши 2-ва-топаркининг эксплуатация ва ҳаракат хавфсизлиги бўлими назоратчилари томонидан му-нтезам назорат қилиб борилади.

«Хатларга мутасадди раҳ-барлар жавобини «Тошкент оқшони» мухбири Х. ИКРО-МОВ тайёрлади.

БЕБАҲО ХАЗИНА

Она сайрағининг жаннат мисол мас-кани — Ўзбекистонимизга баҳор келди... Дийримиш нафақат ширин-шакар мева-сабзавотлари, «оқ олтин»и билан, бал-ки ўзининг шифобахш ўсимликлари билан ҳам оламга машҳур.

Ҳар бир маданиятли одам шифобахш ўсимликларни тайёрлаш тўғрисида маъ-лум бир тушунчага эга бўлиши фойда-дан ҳоли эмас. Шу муносабат билан кўйида биз ана шу сахий табиатимиз-нинг аjoyиб инъоми ҳақида азиз оқ-шомхоналарга қисқача бўлсада маълу-мот бермоқчимиз.

Республикамизда 4' мингдан ортиқ ёво-ин ўсимликлар учрайди, шулардан 550 хил-дан олти шифобахш ўсимликлардир. Ши-фобахш ўсимликларнинг бошқа дори-дар-монлардан афзал томони шундаки, улар инсон организмга асосан фойда келтиради, зарарли таъсир эса, деярли йўқ деса бўла-ди. Лекин шунинг ҳам айтиш керакки, агар шифобахш ўсимликларни тайёрлашда маъ-лум қонун-қоидаларга риоя қилмай, улар пала-партини ишлатилса, табиатга тузатиб бўлмайдиган зарар етказилишига, баъзи

— яллиғланишга қарши; маврак (шалфей) барги — шамоллашга қарши; наъматак (шиповник) меваси — витамин сақловчи; отқулоқ (шавель консейс) илдизи — йўтал қолдирувчи сифатида ишлатилади ва бошқа шифобахш ўсимликларнинг маҳсу-лотлари тайёрланади. Булар ҳаммаси ўси-мликлар оламининг бебаҳо хазинаси ҳисоб-ланади.

Энди апрель-май ойларида бошлаб тай-ёрланадиган баъзи бир шифобахш ўси-мликлар устида батафсилроқ тўхтаб ўтмоқ-чимиз.

ЖАҒ-ЖАҒ

Бу бир йиллик ўт-ўсимлик. Буттуғиллар оиласига кирди. Ўш илдизи унчалик шохла-ланмаган, поясининг бўйи 20—60-сан-ти-метр, илдиз олди барглари 5—15 сан-ти-метр катталиқда, поясидаги барглари бир мунча майдорроқ, гуллари шингилсимон, гул барглари оқ рангли, меваси дунқакча, 3—8 миллиметр катталиқда эга, жуда се-руруғ бўлади.

Ҳаг-жағ Ўзбекистоннинг барча ерларида, экинзорлар, бедозорлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Апрель-июнь ойларида узунлиги 15—20

Шифобахш ўсимликлар

Табиатнинг табиий дорилари

бир ўсимликлар миқдорининг кескин нама-йиб кетишига, ҳаттоки уларнинг йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Шифобахш ўсимликларни фақат маълу-муддатларда — тариқида даволловчи мо-далар энг кўп йилгилан даврда йилгич ке-рак, бу мuddат иқлим омилига (қуруқ ёки ёмғирли баҳор, эрта ёки кеч куз) ҳамда тайёрланувчи ўсимлик аъзосининг тури (илдиз, поя, барг, гул, мева ва бошқалар) га боғлиқ бўлади. Бирор ўсимлик маҳсуло-тини тайёрлашдан олдин энг яқин қишлоқ дориҳонасига мурожаат қилиб, тегишли шартнома тузиш керак. У ерда тайёрлов-чиларга муфассал маълумот, кўрсатмалар ва маслаҳатлар берилади.

Шифобахш ўсимликларнинг ерости аъзолари (илдиз, илдиз пояси, пиези, туған-й) ўсимлик уйида бўлган пайтда — эрта баҳорда ёки кеч кузда қазиб олинади, бунда 25—30 процент ўсимликлар ва ёш ўсимликлар қолдирилади. Ер устки қис-млари ўсимлик гуллаган даврда фақат бар-сақланган паялари (ёғочланган қисмига) ўриб олинади. Ўсимликнинг илдизи билан сугурини қатъийан маи қилинади. Ўсимлик-ларнинг энг камиди 25 процент миқдори кўпайиш учун қолдирилади. Бир майдон-нинг ўзиди икки ўш йилда фақат бир мар-таба йилгич ўтказиш мумкин.

Барглр ўсимлик гуллаши олдинда йил-ги олинади. Бунда уларнинг бир қисми қолдирилади, ёш, кичик ўлчамли барглр узилибди. Куртақлар эрта баҳорда (ёзил-масдан илгари) йилгич олинади. Гуллар ўсимлик гуллаш бошланганда, улардан бири-қул тўртдан бир қисми уруғ ҳоли қилиш учун қолдирилиб терилди. Мевавлр эса илгирини масъуми бошланганда териб оли-нади. Куртақ ва ёш-тоқларни кесилган да-рахтлар ёки буталанган шохлардан тўплаш мақсади мувофиқдир.

Йилгилан маҳсулот тозаланади ва дарҳол қуритилади. Агар маҳсулот уч-тўрт соат-дан олти кунгача ёки тўлланган ҳолда қо-либ кетса қизийди, қорайди ва ишлатишга яроқсиз бўлиб қолади.

Баъзи шифобахш ўсимликлар — кучала, исирчи, кедр, омовора, патлок, сариқбош, сасиқалаф, афсона (гандамия), адонис, туҳумақ, черкез, шидирбош, зозога (чўл-ки, қизилча), парни, бургил, исфарак, дармина ва бошқалар ўш таркибларига за-ҳарли моддалар сақлайдилар, шу сабабли уларни йилгич ва врант тасвисида ишлати-ш қўйилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда бўзоч (бессмертник) гули — ўт ҳайдовчи; суғаламбир (водной по-пер) ўти — қон тўхтатувчи; тоғрайхон (ду-шица) ўти — терлатувчи; далайчи (зверо-вой) ўти — яллиғланишга қарши; газанда (крапива) барги — қон тўхтатувчи, вита-мин сақловчи; макнажхури (кукуруза) попути — ўт ва пешоб ҳайдовчи; кўка (мать и мачеха) барги — балғам кўчирув-чи; қаламбир яллиш (мята перечная) барги — тинчлантирувчи, ўт ҳайдовчи; тирноққул (назедула) гули — яллиғланишга қарши; жаг-жағ (пастушья сумка) ўти — қон тўх-татувчи; дастарбош (пижма) гули — тиз-жа ҳайдовчи; зўбугурум (подорожник) бар-ги — балғам кўчирувчи; арслонқўруғ (пустырник) ўти — тинчлантирувчи; мола-чак (ромашка аптечная) гули — яллиғ-ланишга қарши; қовоқ (тыква) уруғи — тизжа ҳайдовчи; бўймодоран (тысячелистник) ўти

ишларин олиб бормоқдалар. Улар ҚАЗССР ва республи-ка областлари учун илмий-методика ва консултация ёр-дамлар, бригадалар уюшти-рмоқдалар. Марказ қоидада республикадаги ихтисослаш-ган жарроҳлар ва бошқа ме-дицина ходимларининг семи-нар-кенашларини ўтказиш аҳ-дага тусини олапти.

ТошМИ 2-клиникасига қа-рашли кўйиш жароҳатлари-ни даволаш Республика мар-кази коллектив меҳнатини юксак тақдирланган ҳо-зири кунда социалистик мусобақа натижаларини фор-мал рақам ва кўрсаткичлар асосида эмас, амалий-иқо-дий иш натижаларига қараб боқолашнинг яққол намуна-си сифатида ҳам қадрлидир.

Умуман олганда, ТошМИ-нинг 2-клиникасида сўнгги йилларда аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшилан-мақда. Маълумки, бир-икки йил аввал клиниканинг мод-дий-техника базаси, инже-нерлик системаси аҳоли қа-ноатлариди эмасди. Бу ер-да медицина хизматини да-вом эттириш масаласи ҳам қўндаланг бўлиб қолган эди.

Бироқ клиника маъмурияти ва коллектив зўр ғайрат ва фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиши натижасида тахлика-ли ҳулосаларнинг олди олинди. 1985—87 йилларда клиниканинг барча бинолари, иншоотларида туб ремонт ишлари бажарилди. Клиника-нинг кўйиш жароҳатларини даволаш маркази, болалар стоматологияси, хирургия бу-лими ва иситиш иншоотлари-нинг ремонт ишлари аниқса қўн-гилдагидек амалга оширилди.

Клиникада меҳнат интизо-мини яхшилаш чоралари яна-модди таъминоти билан да-волаш муассасаси партия, касбава союз ва комсомол ташкилотлари коллективини ҳар бир аъзосидан юксак меҳнат интизомини талаб қилиши яхши натижалар беришти. Масалан, ташкил этилган пропуск системаси ходимларнинг ишга кеч келиш ва эрта кетиш ҳоллари-га барҳам берди. Иш вақти-нинг унумдорлиги ортди.

Буларнинг ҳаммаси кли-никада даволаш-диагностика ишларини тубдан яхшилаб, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш маданиятига ико-бий таъсир этди.

Клиникада амалга ошири-лаётган саноатли ишлар пар-тия ва ҳукуматли томони-дан қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда клиника бош врач-и Мурод Холматовни Қодиров республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг фахрий Ер-лиғи, бош врач ўринбосари Т. У. Пирназаров ва клиника инженери Э. А. Демидюк мақтов ёрқилари билан му-кофотландилар.

М. САФАРОВ.



Гулларнинг бунча кўркем,
Дилрабо кўклар!

Р. Шарипов фотоэтойди.

Бу воқеани яқинда эшит-
гандим. Киприкларидача мадда,
ёши элликлардан ошган шофёр
Махмуджон ака ҳикояси сўнггида
алам билан суради:
— Шундай одамларни нега ер
ютмайди?
Махмуджон ака кафтарларини
рулга уриб, оғир «ух» тортиди:
— Ҳа, динатсиз-а, келиб-ке-
либ аламинини гўдакдан олсан-
ми?! Қани энди, унинг сочларидан
судраб, маҳаллада сазойи қилса!
У ўзича нималаридир гўда-
ниб, машинасини ўқир-чўқир
жойлардан усталик билан олиб
ўтарди. Мен эса кўнгилсиз воқеа-
нинг қисқача тафсилотини ён даф-
таримга ёзиб олдим. Бугун шуни
ҳикоя қилиб бермоқчиман...

Қамбаралининг хотини оғир
касаликдан вафот этгач, қарин-
дош-уруғлари, маҳалла оқсоқолла-
ри уни ўртага олишди:
— Эрак кишининг ёлғиз яша-
ши яхши эмас. Ундан кейин қи-
зингга ҳам она керак. Ўзинг эр-
таю кеч далада бўсанг...

У бийрон тилли қизалоғи Тур-
ғунойни ўйлаб, уйланишга рози-
ли берди.

Сотқиний кичкина эрининг уйи-
га тўрт яшар Отабекни етаклаб
кечди. Турғуной янги укаси билан
тезда тил топишиб олди: ҳар кун
хилма-хил ўйинлар ўйлаб чи-
қарар, Отабек ҳам уйқудан уйғо-
ниш билан оначаси ёнига югурар-
ди.

Баъзи хотинлар қарашга, етти
пуштин қидириб, ағдар-тўтар қи-
лишга уста бўладилар. Сотқиний
ҳам ана шундайлар қилидан эди.
У келинлик оқори тўқилди, сал
«эскиргач», дийдиёсини бошлади:
— Хой, Турғуноя, мунча кивир-
сийсан?! Ховлини тез-тез суяй.

— Ҳа, қудожинанга қир-
син, Турғуноя! Идиш-тоқонни ю-
майсанми?
— Онаннинг бошига етиб, эн-
ди мени ўлдирмоқчимисан?! Тур,
кирга сув исит...

Боқиб Турғуной болалигини
йўқотиб қўйди. Эртаю кеч ўғай
онанининг топириқларини бажар-
ди. Бажармаса, баданларини
ўйиб-ўйиб олишини яхши биларди.
Туво кун гулдор чинни чойнак-
ни юмаман деб, синдириб қўйди.

— Вой, шум етим, шум оёқ-ей,
ҳамма идишларини синдириб та-
мом қилдинг-ку?
Сотқиний қизалоқнинг қўлларидан
тортиб, ичкарига олиб кирди.
Соҳларидан чангаллаб, қудожини
нинг қаттиқ бурди. Турғуной
жон аччиғида чинқириб юборди.
— Овозининг ўчир! Худди бў-
ғиб ташлайман!

Опачсининг ойиси оёқлари ос-
тида думалаб, йиғлаётганини кў-
риб, Отабек югуриб келди.
— Опачини урманг... Дадамлар-
га айтиб бейман.

Сотқиний Отабекнинг юзига ша-
палоқ тортиб юборди.
— Қани, айтиб кўр-чи, олабў-
жига бериб юбораман.
Отабек юзларини силаб-силаб,
Турғунойга яқинлашди. Чойнак
синикларини теринди.
Қамбарали ишдан хориб-чарчаб
кечди. Мўлтон аёл уни айланиб-
ўғиллаб кутиб олди, жой солиб,
дастурхон тўзди.
— Турғуноя, нон олиб келинг,
қизим...

Турғуноя нон олиб келди. Қам-
барали қизининг рангит-руйига,
қўқарган кўзларига ич ачиб қа-
ради.
— Қани, келинг-чи, нима бўл-
ди?
Отасининг қалоқ қўллари соҳ-
ларини силаши билан, Турғуноя
унинг кенг қўлига юзини босиб,
йиғлаб юборди.
— Вой, вой, кай-кашта, э-э-ху-
шми қиз-а, йиқилиб тушганига ҳам
йиғлайдими? Қани, туринг, дадан-
ни чарчаб келдилар. Отабек би-
лан овқатлангилар...

Турғуноя ўғай онасининг ово-
зида яширин таҳдидни сезиб, бўй-
инини эгиб, чикиб кетди. Сотқиний
эрига чой узатар экан, нолди:
— Кунни билан «ҳай-ҳай»лаб
чарчайман. Югуришгани югуриш-
ган. Турғуноянингизни ҳеч тушун-
майман, бир қарасангиз хурсанд,
бир қарасангиз тўмтайиб олади...

— Онан эсига туша керак-да...
Сотқиний эрига мушукдек сур-
калди:
— Ўғайлигини юзигга сояя-
сизми?
Деразадан Турғуной кўринди.
Унинг кўзлари жинжақ ёш эди.
Аммо, эр-хотин уни пайқашмади...
Бир кун Турғуной болалигига
бориб, айтилган топириқни ён-
дан чиқарди. Сотқиний товуқдек
хўшайиб, сочларини чангаллади:
— Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим.

Энди сента бошқача жазо бера-
ман.
У қизининг қўлларидан етаклаб,
ерўлага олиб кирди. Зах ҳиди
«гуп» этиб, димоқча уриди. Аёл
уни ичкарига итарди:
— У-тўрт кун то кечгача шу
ерда ётсан. Зора эсинг кирса...
Отабек ойисининг оёқларига
ёпишди:
— Опачини чиқаринг, олабў-
жилар еб қўйди...
Сотқиний ўғлини силтаб ташла-
ди.
Тушликдан сўнг, Отабек бир
бурда нонни ер тўла эпиги ти-
қидишдан опачасига узатди:
— Опачон, қўрқамансизми?
Опачон, қачон қиңасиз?
Бир ҳафта шу аҳвол тақор-
лади: эри нига кетини билан
бераҳи аёл қизин «қамқоқона»га
ташлар, келиши билан чиқариб
юборарди. Тўйиб овқат емаслиги,

ах, кўркув туғилди Турғуной
озиб-тўзиб кетди. Қалта-қалта йў-
тала бошлади. Ич-ичига ботган
кўзларидан ҳеч нарса уни қўй-
масди.
Бир кун Қамбарали алангаю
оташ бўлиб ётган қизининг соч-
ларини силаб ўтирар эди, Отабек
онанин «сотиб» қўйди:
— Ойимла ҳар кун опачани
қамлаб қўйдилар...
Қамбарали қизалоқнинг бир ту-
там бўлиб қолган гавдасини баг-
рамга босди.
— Шу.. ростки қизми?
Турғуноянинг кўзларидан қай-
ноқ ёш тўқилди, қийналиб йўтал-
ди...
...Турғуной касалхонада икки-
уч кун ётиб, вафот этди. У бир-
дангача чўкиб, қаловланиб қолган
дадасига нималаридир димоқчи
бўлдию, ҳоли етмади. Қамбарали
дарди ичига сиймай, ўқириб юбор-
ди...
Манзилга етиб келганимизда
Махмуджон ака қаттиқ тайинлади:
— Муҳибр ука, айтганларини
албатта газетга ёзиб чиқаринг. Гў-
даклари қон қақшатадиган, қўз-
ларини ёллагандан баъзи одам-
ларга ибрат бўлади.
Махмуджон аканинг айтишича,
Сотқиний қамқоқ мўлдатини ўтаб
келгач, маҳаллада бош кўтариб
югурмайдилар. Ҳамма уни қўли
билан кўрсатариниш. Ниҳоят бир
кечада гойиб бўлиб қолибди. Одам-
лар уни бутунлай унутиб юбори-
шди.
Ҳа, гўдак кўз ёшларини оқиз-
ган, уни хўрлаган одамлар элга
сигмайдилар...

Эсон ҚОСИМОВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИЛАРИ

1988-1989 ўқув йили учун

Қабул эълон қилади

3-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАНАДИ:

саноат асбоб-ускуналари ремонт бўйича слесарь, ме-
ханика-йигув ишлари слесари, электр-газ пайвандчи, фре-
зерчи, электр монтер (электр монтажчи), кенг профилда-
ги станокчи, техника назорати бўлимининг контролери,
прессловчи-штамповкачи, машина-ли-контант пайванд бўйи-
ча электр пайвандчи, сонли программа билан бошқари-
ладиган станокларнинг оператори.

Ўқиб муддат — 1-3 йил.

ЎҚИШГА 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛ-
ГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик таълим гуруҳларини тамомлаган ўқувчи-
ларга ўрта ҳунар-техника билим юртига тугатилган ҳа-
қида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқиб даври-
да 3 маҳал овқат, бепул уст-бош ва қорномалар билан
таъминланадилар. 10-синф маълумотига эга бўлган ўқув-
чилар стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга иш
ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бошқа шартлардан талланларга секция типидан ётоқ-
хонадан ҳис берилади.

Ўқиб даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаб чиққан ўқувчилар «Ташселъ-
ма» заводида ишга юбориладилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларга
ҳукумат қарорига биноан билим юртини тамомлагандан
кейинги мажбурий иш стажисиз ўқишга кириш ҳуқуқи
билан олий ўқув юртиларига йўллана берилади.

Билим юртида техника ижоди, бадий ҳаваскорлик,
фото тўғараклари, спорт секциялари ишлаб турибди, би-
лим дарғохининг Чорвоқ посёлкаси районидан ёзги дам
олиш базаси мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш
лозим: ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки пас-
порт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақида
справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4
см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН ВОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 50-алоҳа бўли-
ми, 6-те кўчаси, 54-уй (21, 49-а автобусларнинг «3-
СИТУ» бекати, 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликла-
ри институт» бекати), метронинг «М. Горький» станция-
сидан ҳар кун соат 8.30 дан бошлаб билим юртининг
хизмат автобуси қатнайди.

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қизлар учун: ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл
микросхемаларни йиғувчи, электрон саноат приборлари-
ни синовчи, электрон саноат техника назорати бўлими-
нинг контролери.

Йигитлар учун: технологик асбоб-ускуналарни йиғув-
чи, радиоэлектрон апаратуралар монтажчиси.

Ўқишга 8-10-синф маълумотига эга бўлган, Тошкент
шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумоти ўқувчилар учун ўқиб муддат — 10
ой. «Ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхе-
маларни йиғувчи», «Электрон саноат техника назорати
бўлимининг контролери», «Электрон саноат приборлари-
ни синовчи» ихтисоси бўйича ўқишга кирган, 10-синфин
битирган қизлар учун машғулотлар — гуруҳларнинг
комплектлашувига қараб бошланади. Ўқувчилар ойна
77 сўм стипендия оладилар. Билим юртини тамомлаган
уларга эгалаган насаби бўйича диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиб
муддат — 3 йил. Билим юртини тамомлаган уларга ўр-
та маълумот ва касб эгалаганликлари ҳақидаги диплом
берилади.

Ўқиб даврида ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, ишлаб
чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 про-
центи билан таъминланадилар.

Билим юртидаги таълим даври умумий меҳнат стажи-
га қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло баҳоларга
тамомлаганлар олий ўқув юртиларига имтиёзли шартлар
билан қабул қилинади.

Билим юрти ўқувчиларга информатика ва ҳисоблаш
техникаси фанидан таълим бериш учун КУВТ-86 ҳисоб-
лаш машинасига, спорт базасига эга, вокал-чолгу ансам-
бли, самбо секцияси, радио, фото ва техника ижодиёти
тўғараклари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топ-
шириш лозим: 8-синфин битирганлик ҳақидаги гувоҳно-
ма, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ўрта
маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкиси (086/У
форма), яшаш жойидан, ота-онанинг ишхонасидан
справкалар; 8 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

Билим юртини битириб чиққан ўқувчилар базавий
корхона — Ленин номидаги Тошкент электрон техника
заводида ишга юбориладилар.

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Ленин рай-
они, Весна кўчаси, 17-уй (12, 27, 68, 80-а автобуслар-
нинг «Ўзбум», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Омонко кў-
часи» бекатлари). Телефон: 91-14-51.

33-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Учиш аппаратларининг слесарь-йиғувчиси, механика-йи-
гув ишлари слесари, ремонтчи-слесарь, парчилаб иш
бажарувчи, кенг профилдаги станокчи (токарь, фрезер-
чи, чархловчи, сонли программа билан бошқариладиган
станокларнинг оператори).

Ўқишга 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛ-
ГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта мактабни битирган ўқувчилар учун ўқиб муд-
дати — 6-10 ой.

Билим юртини тамомлаган ўқувчиларга тегишли касб
бўйича малака олиб чиққани ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар ўқиб даврида 65 сўм стипендия оладилар.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиб
муддат — 3 йил. Билим юртини тамомлаган уларга те-
гишли касб бўйича малака олиб чиққани билан бирга
ўрта маълумот ҳақидаги диплом берилади.

Ўқиб даврида ўқувчилар ётоқхона, 3 маҳал овқат ва
иш кийими ҳам ишлаб чиқариш практикаси даврида
ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъ-
минланадилар.

Ўқиб муддатни умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобла-
нади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини битириб чиққанлар В. П. Чкалов номи-
даги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига
йўллана оладилар.

Билим юрти спорт базасига эга. Унинг қошида волей-
бол, футбол, сузмиш, бокс, эркин кураш бўйича спорт
секциялари, авиамоделчилик, бадий суз тўғараклари,
вокал-чолгу ансамбли, миллий чолгу асбоблар ансамбли,
духовой оркестр, радиотўғарак, тасвирий санъат сту-
диялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топ-
шириш шарт: директор номига ариза, 8-синфин тамом-
лаганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақи-
даги аттестат, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки
паспорт, медицина справкиси (086/У форма), 6 дона
фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН ВОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Пет-
ров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автобуслар; 6, 29-трам-
вайларнинг «С. М. Кадиев номидаги билим юрти» бе-
кати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ
«ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИҚУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

48-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10 синфларни битирган, Тошкент шаҳри ва Тошкент
областининг шаҳарга яқин районларида истиқомат қилув-
чиларни қабул қилади.

БИЛИМ ЮРТИ АЕЛЛАРНИНГ УСТКИ ВА БОЛА-
ЛАР ҚИЙИМЛАРИНИ ТИҚУВЧИ, ТИҚУВЧИ-МОТО-
РИСТКАЛАР ТАЙЕРЛАБ ЧИҚАРАДИ.

8-синфин тугатган ўқувчилар 3 йил ўқиб, ўрта маълумот
олиб чиқадилар, бепул овқат, кийим-бош билан таъ-
минланадилар.

10-синфин тугатган ёшлар 1 йил ўқиб, ойна 30 сўм
стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида
иш ҳақининг 50 проценти оладилар. Таълим даври
меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини аъло
баҳоларга тамомлаган ўқувчиларнинг 10 проценти олий
ўқув юрти ва техникаларга кириб ўқиб ўқув йўллама
оладилар.

Ўқувчилар Индира Ганди номидаги Тикувчилар мада-
ният саройида бадий хаваскорлик тўғаракларида қатна-
шадилар, базархонага қарашли санаторий-профилак-
торий ва медицина хизматида фойдаланишлари мумкин.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш
зарур: директор номига ариза, паспорт ёки туғилганлик
ҳақидаги гувоҳнома, аттестат ёки маълумот ҳақидаги
ҳужжат, яшаш жойидан, ота-онанинг ишхонасидан,
медицина справкисига (286-форма), 4 дона фотосурат
(3х4 см.) характеристика, таржимаи ҳол.

Билим юрти адреси: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов
кўчаси, 5-а-й (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10,
17-троллейбуслар; 2, 3, 25, 60, 80-а автобусларнинг
«Қизил тонг» бирлашмаси) бекати). Телефон: 33-19-24.

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

ЎЗ ОТПУСКАНГИЗНИ КАВКАЗДА ЎТКАЗИШНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КАВКАЗ МИНЕРАЛ СУВЛАРИ — МАМЛАКАТИ-
МИЗНИНГ ЭНГ АЖОИБ ВА ТУРИЗМ РАЙОНИДИР.

Бу ернинг гўзал табиати ўзани ўзлаштириш тарихи ҳақи-
даги қизиқарли ва айна вақтда фойдаланиш қийоқлар, ниҳоят,
Пушкин, Лермонтов, Толстой билан бўлажак ҳақиқонли
«учрашувлар», ана шу адиблар қаламга олган жойлар
билан танишиш истаги азалдан кўпчиликини ўзига жалб
этиб келади.

СИЗЛАРНИ КУТАЕТГАН МАРОҚЛИ САЙРАЛ,
КИСЛОВДСК, ЕССЕНТУКИ, ПТИГОРСКИЙ КУРОРТ
ШАҲАРЛАРИГА УЮШТИРИЛАДИГАН ЭКСКУРСИЯ-
ЛАР УНУТЛИМАС ТААССУРТО ҚОЛДИРАДИ.

САЁХАТГА МАРҲАМАТ!

КИСЛОВДСККА, 20 апрелдан 9 майгача, 11 майдан
30 майгача. Баҳо — 301 сўм.

ПТИГОРСККА, 10 майдан 29 майгача, 20 апрелдан
9 майгача. Баҳо — 314 сўм.

КАХЕТИГА («Кавказион») туристик базаси — (5
кун) — ВОТУМИГА (15 кун — хусусий сектор) 16 май-
дан 3 июнгача.

Самолёт билан бориш ва қайтиш, овқатланш, жойла-
шиш, экскурсия хизмати ҳаражатлари путёвка қиймати-
га қиради.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат
қилинсин: 700078, Тошкент шаҳри, Намойишлар хиббони,
5-уй.

8, 9 АПРЕЛДА

БАДИЙА ФИЛЬМАЛАР:

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ТУРПАН МУШКЕТЕ»
(11, 13, 15, 16, 18, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 51, 52, 53, 54, 55, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97, 98, 99, 100).

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «СИНАДНИНГ
ЕТТИНЧИ САЁХАТИ», «ҚИЗ-
ЛАРНИ ЎҒИРЛАШ» (11, 14, 17,
20, 21).

Лисув номи — «ЕТТИ
САМУРАЙ» (11, 14, 17, 20, 21).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОШИҚ
БҒЕҶНИ ҲАҚИДА ЭРТАК»
(муфт соатлар).

Дружба — «ЦИРК ШАЙДО-
СИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21, 22);
«ДАНИЛИ — ГАЛИЦИЯ КНЯ-
ЗИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21).

Ватан — «БАҒРИТОШ ОТА-
НИНГ ЎҒИЛЛАРИ» (12, 15, 18,
21, 22).

К. Ерматов номи — «ЖЕК
ВОСМЕРКИН — «АМЕРИКА-
ЛИ» (11, 14, 17, 20, 21).

Қозғонистон — «ВИЗАНТИЯ-
ЛИК САВДОГАРИНГ ХАЗИ-
НАЛАРИ», «ХХ АСР ҚАРОҚ-
ЧИЛАРИ» (11, 12, 14, 15, 17,
18, 20, 21).

Искра — «ЖЕК ВОСМЕРКИН
— «АМЕРИКАЛИ» (14, 17,
20, 21); «АВЭСИЗ ТАҚДИР»
(12, 20).

Чайка — «ОДИССЕИНИНГ
САҒУЗЛАШЛАРИ», «ЕНГИЛ-
МАС» (10, 15, 13, 20, 16, 18, 45,
21, 30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ҚУР-
БОНЛИК» (14, 20, 21); «УНТА
НЕҒР БОЛАСИ» (11, 17, 20).

АВТОМАТ-ЖАВОБ
БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44,
44-21-34, 44-21-74.

Чайка — 77-06-20.

Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78-47-25.

Қозғонистон — 35-24-92.

Ватан — 74-30-38.

Восток — 91-14-61.

Дружба — 67-96-15.

Шаҳар кинотеатрларида
хизмат кўрс